



TJAS

Thematic Journal of Applied Sciences

informing scientific practices around the world
through research and development

Thematic Journal of Applied Sciences

Volume 1, Issue 1, March 2021

Internet address: <http://ejournals.id/index.php/TJAS/issue/archive>

E-mail: info@ejournals.id

Published by Thematics Journals PVT LTD

Issued Bimonthly

Chief editor

S. G. Ahmed

Professor of Computational Mathematics and Numerical Analysis Faculty of Engineering, Zagazig University, Zagazig, Egypt, P. O. Box 44519

Requirements for the authors.

The manuscript authors must provide reliable results of the work done, as well as an objective judgment on the significance of the study. The data underlying the work should be presented accurately, without errors. The work should contain enough details and bibliographic references for possible reproduction. False or knowingly erroneous statements are perceived as unethical behavior and unacceptable.

Authors should make sure that the original work is submitted and, if other authors' works or claims are used, provide appropriate bibliographic references or citations. Plagiarism can exist in many forms - from representing someone else's work as copyright to copying or paraphrasing significant parts of another's work without attribution, as well as claiming one's rights to the results of another's research. Plagiarism in all forms constitutes unethical acts and is unacceptable. Responsibility for plagiarism is entirely on the shoulders of the authors.

Significant errors in published works. If the author detects significant errors or inaccuracies in the publication, the author must inform the editor of the journal or the publisher about this and interact with them in order to remove the publication as soon as possible or correct errors. If the editor or publisher has received information from a third party that the publication contains significant errors, the author must withdraw the work or correct the errors as soon as possible.

OPEN ACCESS

Copyright © 2021 by Thematics Journals of Applied Sciences

CHIEF EDITOR

S. G. Ahmed

Professor of Computational Mathematics and Numerical Analysis Faculty of Engineering, Zagazig University, Zagazig, Egypt, P. O. Box 44519

EDITORIAL BOARD

Yu Li

Wuhan University of Technology, China

Seung Man Yu

Seoul National University of Science and Technology, South Korea

Seyed Saeid Rahimian Koloor

Universiti Teknologi Malaysia, Malaysia

Eko Susanto

Menegment of journal Indonesia

Siti Mazlina Mustapa Kamal

Universiti Putra Malaysia, Malaysia



**МАВЗУ: СОЦИАЛ БИРЛИК СИФАТИДА "ЭТНОС" ВА "МИЛЛАТ" КАБИ
ТУШУНЧАЛАРНИНГ ИЖТИМОЙИ-ФАЛСАФИЙ ТАЛҚИНЛАРИ**

Одил Рахматович Мусаев

Ўзбекистон Миллий университети профессори,
фалсафа фанлари доктори
Турон Фанлар Академияси академиги

**СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКИЕ ИНТЕРПРЕТАЦИИ ТАКИХ ПОНЯТИЙ,
КАК "ЭТНОС" И "НАЦИЯ" КАК СОЦИАЛЬНАЯ ЕДИНИЦА.**

Одил Рахматович Мусаев

Профессор Национального университета Узбекистана,
Доктор философских наук
Академик Туранской Академии Наук

Аннотация. Мазкур мақолада "этнос" ва "миллат" тушунчаларининг парадигмал ва методологик таҳлиliga эътибор қаратилади. Шунингдек, унда этнос, этник бирлик муаммоси доирасида примордиалистик, инструменталистик ва конструктивистик ёндашишлар, улар ўртасидаги баҳс-мунозоралар таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: примордиализм, инструментализм, конструктивизм, миллат, элат, этник бирлик, миллатлараро муносабатлар, полиэтник давлат, миллатлараро зиддиятлар.

Аннотация. Данная статья посвящена парадигматическому и методологическому анализу понятий "этнос" и "нация". Также анализируются примордиалистический, инструменталистический и конструктивистический подходы к проблеме этноса, этнического единства и дискуссии между ними.

Ключевые слова: примордиализм, инструментализм, конструктивизм, нация, этнос, народ, межнациональные отношения, полиэтнические государства, межнациональные конфликты.

Abstract. This article is devoted to the paradigmatic and methodological analysis of the concepts of "ethnos" and "nation". It also analyzes the primordial, instrumental and constructivist approaches to the problem of ethnos, ethnic unity and discussions between them.

Key words: primordialism, instrumentalism, constructivism, nation, ethnos, people, interethnic relations, multiethnic states, interethnic conflicts.

Миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатлик умумбашарий қадрият сифатида турли миллат ва элат вакиллари аҳиллигининг, тинчлик, барқарорлик ва тараққиётнинг кафолати ҳисобланади. Миллий маданиятни ривожлантиришга ва ўзига хослигимизни тиклашга катта эътибор берган ҳолда, айтиш мумкинки, миллий

ўзликни англашнинг тикланиши умумжаҳон миллатлараро муносабатлар идеаллари, қадриятларидан айро ҳолда кечиши мумкин эмас. Шу нуқтаи назардан қараганда, бугунги кунда миллатлараро муносабатларни янги глобал ижтимоий-сийсий ўзгаришлар ва миллий муносабатлар идентификацияси билан боғлиқ ҳолда тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга. Миллатлараро муносабатлар ижтимоий воқелик сифатида турли фан ва фалсафий концепциялар нуқтаи назаридан таҳлил қилиниши, ўрганилиши мумкин. Бироқ ҳар қандай объект талқин этилиши лозим бўлган асосий хусусиятларига, субстанционал белгиларига эга бўладиги, айнан ушбу хусусиятлар ва белгилар муаммонинг мақсадиги белгилаб беради. Шу боисдан ҳам мазкур мақолада "этнос", "миллат", "халқ" тушунчаларининг умуммиллий ва ижтимоий-фалсафий талқинларини очиб беришга ҳаракат қиламиз.

Шу билан бирга мазкур мақолада "этнос" ва "миллат" тушунчаларининг парадигмал ва методологик таҳлилига эътибор қаратилади. Шунингдек, унда этнос, этник бирлик муаммоси доирасида примордиалистик, инструменталистик ва конструктивистик ёндашишлар, улар ўртасидаги баҳс-мунозоралар таҳлил қилинади. Дунё олимлари томонидан ҳозирги давргача "этнос" ва "миллат" тушунчаларининг методологик асосларига оид кўплаб назариялар ва концепциялар яратилган бўлса-да, уларни этник феноменни англаш нуқтаи назардан уч гуруҳга - примордиалистик, инструменталистик ва конструктив ёндашувларга ажратиш мумкин.

Примордиалистик концепцияни доминант сифатида олиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Унда "этнос" ва "миллат" тушунчаларининг субстанционал ва экзистенциалистик ёки тарихий илдизларини таҳлил қилиш устувор аҳамият касб этади.

Примордиализм (инглиз тилидаги *primordial* - бошланғич, дастлабки, азалий деган маъноларни англатади) этнос ва миллатни табиат ва жамиятда объектив асосга эга бўлган, аниқ феномен сифатида қарайди. У этнос (юнонча *ethos* - гуруҳ, қабила, халқ демакдир)ни этник бирлик, ижтимоий-тарихий ва маданий жараёнлар натижасида шаклланган ижтимоий гуруҳнинг ўзига хос тури, уруғ, қабила, элат ва миллат шаклларида намоён бўлувчи феномен сифатида талқин қилади. Мазкур тушунчани илмий муомалага таниқли этнограф С.М.Широкогородов киритган. У этносни "келиб чиқиш, урф-одатлар, тил ва турмуш тарзи бир"[1] ижтимоий гуруҳ деб талқин қилади. Мазкур гуруҳ инсониятнинг локал ижтимоий бирлигидир. Примордиализм концепцияси тарафдорлари К.Гирц, Ю.В.Бромлей, С.А.Арутюнов, Р.Рамбино, Э.Стюарт, Л.М.Дробужева, А.А.Сусоколова ва бошқалар этник манфаатларнинг табиат ва жамият ривожигаги воқеа-ҳодисаларга ўзаро алоқадорлик диалектикасини ўрганиб, ушбу жараённинг жамият тараққиёти билан боғлиқ хусусиятларини, локал ижтимоий гуруҳни эса инсониятнинг бошланғич уюшмаси сифатида талқин этадилар.

Примордиализм концепцияси ҳам ўз навбатида икки йўналишга бўлинади. Улардан биринчиси, эволюцион-тарихий бўлса, иккинчиси, табиий-биологик йўналиш ҳисобланади. Эволюцион-тарихий йўналишнинг ривожланишида

академик Ю.В.Бромлей олиб борган тадқиқотларнинг аҳамияти катта. Ю.В.Бромлей ўз тадқиқотлари орқали этник бирлик тушунчаси, этник бирликнинг даврларга бўлиниши, этник аломатлар ва бошқа шу каби масалалар борасида қатор янги илмий-фалсафий қарашларни илгари суради [2].

XX асрнинг тўртинчи чорагида пайдо бўлган яна бир ёндашув инструментализмдир. Бу назариянинг асосчилари П.Брасс, Ж. Ротшильд бўлиб, улар асосан этник муносабатларни этносиёсий тамойиллар асосида таҳлил қилганлар. Улар талқинига кўра, этнодан сиёсий институтлар ва лидерлар моддий бойликлар, хусусий мулк, олий мақом ва ҳукмронлик учун бўлган курашда ўз мақсадларига эришиш йўлида фойдаланадилар. Натижада, этнослар муайян қизиқишлар асосида бирлашган уюшмалар, этниклик эса маълум гуруҳ қизиқишларини амалга ошириш учун қурол сифатида талқин этилади. Инструментализм нуқтаи назаридан, этнослар умумий қизиқишлар асосида бирлашган гуруҳ, сиёсий жабҳада умумий мақсадларга эришиш воситасидир. Унга мувофиқ ижтимоий-сиёсий жабҳада устуворликка жамоавий интилиш воситаси, турли кўринишдаги этник мобилизация эса ижтимоий хатти-ҳаракатларни белгиловчи, уюштирувчи, у ёки бу моддий омилларни қўлга киритувига ёрдам берувчи куч сифатида талқин қилинади. Инструментализмни этносларнинг объектив асоси мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги, уларнинг муайян функциялари қизиқтирмайди. Инструменталистик ёндашув тарафдорлари этносни инсоннинг муайян қизиқишлари ва мақсадларига хизмат қилиб, унинг жамиятда мавжудлигини ва маълум гуруҳлар таркибига кириб боришини осонлаштиради, деб ҳисоблайдилар. Мисол тариқасида улар замонавий этнологияда "этносларнинг информацион концепциясини" таклиф қилади (С.А. Арутюнов, Н.Н.Чебоксаров). Мазкур концепцияда этнос коммуникация назарияси сифатида кўриб чиқилади[3]. Уларнинг назарида, этнос бу ахборот яхлитлигини таъминловчи жамоа, этник жамоа турлари - қабила, кичик халқ ва миллатлар ахборот яхлитлиги даражасидир.

Конструктив ёндашув тарафдорлари Р. Барт, Р.Жексон, Б. Андерсон, П.Бурдые, Э.Геллнер, Э.Хобсбаум ҳисобланади. Мазкур ёндашув этник муносабатлар нафақат этнос, инсонлар жамоаси, балки эътиқоди, табиий ва маданий жиҳатдан бирига боғлиқ ижтимоий-маданий феномен сифатида таҳлил қилинади. Унда муносабатларни барқарорлигини таъминлаш кўпроқ зиёлилар, ёзувчи ва файласуфларга, яъни ижтимоий-маданий омилларга боғлиқлиги таъкидланади[4]. Уларда долзарб бўлиб қолаётган терроризм, экстремизм, миллатчилик, сепаратизм, диаспоралар ўртасидаги низолар ҳам шу нуқтаи назардан таҳлил қилинади. Масалан, В.А. Тишковнинг фикрича, турли-туман маҳаллий қарама-қаршиликлар тарихий ва этник муаммолардан эмас, балки "замонавий муаммоларга оид ижтимоий макондаги замонавий иштирокчиларнинг замонавий ихтилофлари"дан пайдо бўлади ва ўз навбатида бу вазиятда миллий адоват ва агрессия сунъий тарзда атайлаб авж олдирилади[5]. Бизнингча, бундай кескин қараш советлар тузумидан кейинги собиқ иттифоқ олимлари орасида гарчи

дастлабки янгича қараш бўлса-да, бироқ муаммонинг тўлиқ ечимини англлатувчи мукамал жавоб эмас, балки бирмунча баҳсли, айна вақтда эътиборга сазовор конструктивистик мулоҳазадир. Шунинг учун ҳам одатда конструктивистлар ўзларининг назарий-методологик қарашларидан ташқарида бўлган ёки уларга қарама-қарши мулоҳазалар билдирган ҳар қандай қарашни примордиализмга киритадилар ва ўз навбатида ўзларининг қарашларини замонавий фан инъикоси бўлган ягона илғор таълимот тарзида талқин қиладилар. Улар примордиалистик қарашни "илмий хатоликлар мажмуи" деб ҳисоблайди. Шу ўринда муаммо доирасидаги ҳақиқий ҳолат қандай? деган савол туғилиши табиийдир. Бу борада рус академиги С.Е.Рибоков икки оқимга бадиий таъриф бериб, "тарихий примордиализм дарахтнинг йирик шоҳларига, конструктивизм эса дарахтнинг алоҳида якка шоҳига ўхшайди"[6] деб ёзади.

Юқоридаги примордиалистик, инструменталистик ва конструктив ёндашишлар таҳлилидан кўринадики, "этнос" ва "миллат" тушунчаларининг назарий-методологик муаммолари етарлича ўрганилмаган. Илмий изланишларда назарий-методологик масалаларга етарлича эътибор бермаслик, бажарилган тадқиқотнинг қимматини сусайтиради. Қолаверса, бугуннинг замонавий муаммоларини файласуф тадқиқотчи нигоҳи билан тадқиқ қилиш, олиб борилган ҳар бир тадқиқот жамиятнинг маълум бир соҳаси учун амалий натижа бермоғи лозим. Шундагина фалсафий тадқиқотларга жамиятда қизиқиш ортади ва унинг амалий қиммати ошади.

Миллатлараро муносабатларнинг ижтимоий-фалсафий моҳиятини англаш, тадқиқ қилиш учун уларнинг субстанционал асоси бўлган "этнос" ва "миллат" тушунчаларини, уларнинг генезисини ўрганиш лозим. "Этнос" тушунчаси юнон тилидан олинган бўлиб, унинг этимологик маъноси халқ, қабила, тўда, кишилар гуруҳи деган маъноларни англатади. Н.Маманазаров ёзганидек, бу термин (яъни "демос" - М. О.) кишилар гуруҳининг муайян ижтимоий-сиёсий жараёнларда актив қатнашуви қисмини англатса, "этнос" термини муайян жой, яъни ҳудудда яшовчи халқнинг локал гуруҳини англатади. Ҳозирги пайтда "этнос" термини фақатгина илмий доира ва илмий адабиётлардагина қўлланса, "халқ" термини эса, кундалик ҳаётнинг барча ижтимоий-сиёсий, маданий, иқтисодий ва маънавий жабҳаларида актив қўлланилади. Шу жиҳатдан ҳам "этнос" ва "халқ" тушунчалари маълум маънода бир-бирига яқин бўлса-да, аммо мазмун ва моҳият жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади[7].

Умуман, илмий адабиётларда "этнос" тушунчаси ва ҳодисасига ўттизга яқин таърифлар учраса-да, уларда маълум бир яқинлик, муштараклик мавжуд. Яъни, "этнос - бу бир тилда сўзлашувчи, ўзларининг бир хил келиб чиқиши ва муштарак шаклланиш жараёнини тан олувчи, бошқа халқлардан фарқ этувчи қатор урф-одат ва анъаналарга эга бўлган кишилар гуруҳидир"[8]. Бизнинг назаримизча, "этнос" деганда инсонларнинг маълум бир ҳудудда узоқ муддат биргаликда истиқомат қилиши, умумий тил, маданият ва ўзини ўзи англаш орқали бирлашган кишилар гуруҳи тушунилади. Шунингдек, этнос деганда қабилавий қариндошлик,

ягона маиший маданият (мулоқот тили, эътиқод объекти, кундалик юриш-туриш меъёрлари), умумий истиқомат маконининг (ландшафтни қамраб олувчи) мавжудлиги ёки бошқа этносларга нисбатан ўзининг ягоналигини англаш ва қайд қилинган номга эгалик (этноним) асосида шаклланган ижтимоий бирлик ҳам назарда тутилади. Айрим этносларни бир-биридан фарқловчи муҳим белгиси уларнинг ўзига хос маданий хусусиятлари орқали намоён бўлади. Бу хусусиятлар ҳар бир халқнинг тарихий-маданий ривожланиши жараёнида шаклланади ва диахрон алоқалар маҳсулидир. Фанда бу жараён "этник анъаналар" ёхуд "этник ворисийлик" деб аталади. Бундай анъаналар ҳар бир халқнинг ижтимоий-иқтисодий турмуши ҳамда у яшаётган табиий географик муҳит билан боғлиқ ҳолда шаклланади. Фақат алоҳида халқлар эмас, балки уларнинг шаклланиш жараёнида иштирок этган қариндош гуруҳлар ҳам этнос деб аталади.

Миллатлараро муносабатлар, этнос, миллат кейинги пайтларда этнология, этнопсихология, этнополитология ва этномаданият кенг муҳокама қилаётган мавзуларга айланди. Аслида ҳам шундай бўлиши керак. Бироқ уларга фақат сиёсий қизиқишлар воситаси сифатида қараш тўғри эмас.

Миллатлараро муносабатлар сиёсий жараёнлар ва қизиқишлардан кенг ижтимоий воқеликни ўзида акс эттиради. Этносиёсатшунос, профессор Р.Абдулатипов бу ҳақда шундай ёзади: "Халқлар этногенези автоном ҳодиса эмас, у сиёсий жараёнлар ва сиёсий режимлар ҳаракати призмаси ва эволюцияси орқали ўтади. Этногенез субстрат, яъни туб аҳоли билан супер субстратлар, яъни келгиндилар аралашуви натижасида маҳаллий аҳоли келгиндиларнинг сиёсий ҳукмронлигида юзага келадиган янги этнос билан боғлиқ ҳодисаларни ўрганиш ҳамдир"[9]. Олимнинг фикрича, "этногенетик жараёнлар энг аввало, мустақил этник ривожланиш ҳамда маданияти, тили яқин қабила ва халқларнинг этноуюшуви, уларнинг бир этномиллатга бирлашуви (этноконсолидация)дир"[10]. Кўриниб турибдики, Р.Абдулатипов миллатлараро, этнослараро муносабатларнинг сиёсий жараёнлар билан боғлиқлигини таъкидлайди, шу билан бирга, этноконсолидациянинг, этнобирлашувларнинг ўзига хос, ички, имманент қонунлари борлигини ҳам эътироф этади.

Миллатлараро муносабатларни сиёсий жараёнларга ҳам, этногенез хусусиятларига ҳам боғлаб қўйиш, фақат улар доирасида таҳлил қилиш мумкин эмас. Агарда улар сиёсий жараёнлар билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилинса, тадқиқотчининг қандай хулосаларга келишини олдиндан англаб етиш мумкин бўлади, апостериориқонуниятлари бузилади, яъни тайёр постулатлар объектга сунъий, мажбурий тарзда ёпиштирилади. Агар миллатлараро муносабатлар этногенезига боғлаб, фақат унинг доирасида тадқиқ этилса, объектнинг ижтимоий-фалсафий моҳияти, динамик хусусияти ва ҳозирги даврдаги ҳолати инкор этилади. Бизнинг фикримизча, миллатлараро муносабатларни, уларнинг субстанционал асослари бўлмиш "этнос" ва "миллат" тушунчаларини кенг ижтимоий воқелик сифатида ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Тўғри, биз миллатлараро муносабатларни сиёсий жараёнлардан мутлақ айрича, "этнос" ва "миллат" тушунчаларини

этногенездан ташқарида қарай олмаймиз, бироқ, мазкур икки ёндашувнинг ўзига хос томонларини инкор этмаган ҳолда, масалага янгича ёндашув зарурлигини айтиб ўтмоқчимиз.

Махсус тарихий-этнографик ва археологик тадқиқотлар кўрсатадики, милоддан олдинги V-III минг йилликларда Европоид ирқининг икки илк тури: шимолий илк Европоид (протоевропалик) ва жанубий Европоид (прото ўрта ер денгизлик) турлари мавжуд бўлган. Масалан, ўлкамизнинг жанубида прото ўрта ер денгизлик ирқ тури деҳқончилик (термачиликнинг навбатдаги босқичи) билан шуғулланган. Мазкур жараёнлар аҳолининг бош суяклари Долихокрэн антропологик типга мансуб бўлиб, улар келгинди кўчманчи қабилалар билан аралашиб кетган[11]. Профессор С.Н.Турсуновнинг қайд этишича, милоддан олдинги иккинчи минг йилликда Ўрта Осиёда арий тилли (хиндорий) қабилалари яшаган ва уларга бақтрлар, тохарлар ҳам кирган. Мазкур жараён натижасида нафақат илк ибтидоий ижтимоий-сиёсий институтлар-қабилалар, уруғ, жамоа, балки "суғорма деҳқончиликнинг ривожланиши билан (ижтимоий-иқтисодий омил - М.О.) Ўрта Осиё ҳудудларида Бақтрия, Марғиёна, Сўғдиёна, Хоразм каби илк давлат уюшмалари шаклланади. Бу ҳудудларнинг аҳолиси турли манбаларда саклар, массагетлар, сўғдийлар, сакарауқлар, апаспаклар, ассийлар каби номлар билан эслатилиб, улар ўртасида ўзаро этномаданий алоқалар мавжуд эди"[12].

Тарихий-этнографик ва археологик манбаларга таяниб хулоса қилиш мумкинки, минтақамизда яшаган туб аҳоли, қабилалар - сак, массагет, сакарауқ, апасандлар келгинди юэчжилар (ўзбек тарихчилари фикрига кўра тохарлар - М.О.) қанғ, қорлуқ, эфталит, хионийлар билан аралашиб, истиқомат қилганлар. Жанубий Сурхон ҳудудида милодий I-IV асрлар ҳукмронлик қилган Кушон ва VI-VII асрлардаги эфталитлар даврида халқларнинг буюк кўчиши сабабли, уларнинг бўлиниб кетиши, бирлашиши, яқинлашиши (интеграция), бирикиши (консолидация), аралашиб-қоришиб кетиши (ассимиляция) кучайди. Жанубий Сурхон ҳудудида VIII аср бошларида араблар, қорлуқийлар, XI-XV асрларда барлос, тархон, талоир, тулхичи, мунғул, қипчоқ, қўнғирот уруғларини келиб жойлашиши маҳаллий аҳоли билан аралашиб ўтроқ ҳолга келиши кучаяди. Демак, этноснинг шаклланиши ижтимоий, сиёсий, жуғрофий, демографик, юриш ва силжиш, ҳатто ассимиляциялашув жараёнлари билан боғлиқдир. Шу нуқтаиназардан қараганда, "Этнос - кишилар социал гуруҳларининг тарихан вужудга келган, жамоа бўлиб яшашининг алоҳида шаклидир. Бундай жамоа табиий-тарихий йўл билан пайдо бўлади ва ривожланади, улар жамоа гуруҳига кирадиган кишиларнинг хоҳиш иродасига алоқадор бўлмасдан, ўз-ўзини қайта тарбиялаш ҳисобига кўп асрлар яшайди"[13].

Ижтимоий муносабатлар кишини муайян гуруҳга тааллуқли қилиб қўяди. Барча кишилар жинсий, касбий, ёш, синфий, этник ва ҳоказо гуруҳларга мансублик хусусиятига эгадир. Ушбу хусусият туфайли киши ўзини бошқа бир кишига ёки гуруҳга қийслаш олади. Этник ўзлигини англаши туфайли эса киши ўзининг муайян этносга мансублигини, ушбу этноснинг тили, маданияти, менталитети ўзига

тааллуқли эканини тан олади. В.Қўчқоровнинг ёзишича: "Миллий ўзликни англашни учта компонентдан иборат деб қараш лозим. Биринчиси, ўз-ўзини билиш, иккинчиси, ўз-ўзини қадрлаш, баҳолаш ва эмоционал ҳолатини англаб етиш, учинчиси, миллий ўз-ўзини бошқаришидир"[14]. Шунинг учун у этник ўз-ўзини англашни этномаданий ва этнолингвистик белгилар билан чегараланиб қолмай, уни этносиёсий ҳаёт субъекти, сиёсий-ижтимоий жараёнларга таъсир этувчи куч сифатида талқин этади. Этносиёсий ёндашиш нуқтаи назаридан бу тўғридир. "Миллий ўзликни англаш,- деб ёзади В.Қўчқоров, - миллатнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларга, жамият ва давлатни бошқаришга қаратилган ислохотларга, тараққиёт моделларига, жамиятнинг келажагига оид этносиёсий муносабатлар ҳамдир. Бу муносабатлар миллатнинг, фуқаролар ўз сиёсий-ҳуқуқий имкониятларини рўёбга чиқаришида, яъни ижтимоий-сиёсий ҳаётда ўз манфаатларини ҳимоя этувчи субъектлар сифатида қатнашишида намоён бўлади"[15].

В.Қўчқоров этник ўз-ўзини англашда ижтимоий-сиёсий институтлар, энг аввало, давлатнинг роли катта эканлигини таъкидлайди. Этнос билан давлат уйғун шаклланган ва ривожланган бўлса-да, ижтимоий-сиёсий воқеликнинг ҳал қилувчи воситага айланиши, турли гуруҳлараро алоқаларни, ижтимоий муносабатларни, жамият ҳаётини бошқаришни ўз устига олиши туфайли давлат этноснинг ижтимоий онгига, маданий ривожига, ўз-ўзини англашга таъсир этувчи институтга айланди. Шунинг учун давлат билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий белгилар миллатнинг шаклланишида ҳал қилувчи рол ўйнаб келади. Айнан шулар, қолган барча белгиларни ўз атрофида бирлаштиради, уларнинг яқинлаштирувчи, ҳамкорлик қилинишини умумий интилишини тезлаштиради ва таъминлайди. "Давлат этногенез ва миллий ўзликни англаш учун қандайдир ёт ташқи элемент эмас, балки улардаги энг муҳим, энг ижобий хислатларни ўзига жо этган ҳамда уларнинг ўзига хизмат қиладиган ижтимоий-сиёсий институтдир"[16].

Сиёсий жараёнлар ва давлат этноснинг шаклланишида етакчи рол ўйнашини инкор қилиб бўлмайди. Лекин, бизнинг фикримизча, бундай краталогик ёндашув етарли эмас, у миллий муносабатларнинг кенг, мураккаб, ички зиддиятларга, флуоктацион (чайқалиб бўй берувчи) воқелик эканини қамраб ололмайди. Миллий муносабатлар, этнос ва миллат феноменларининг шаклланиши, кенг ижтимоий воқеликка айланиши тил, ёзув, урф-одат, маданият, ҳудуд, ҳатто руҳ билан боғлиқ жараёнларни, уларни ҳисобга олмаслик содда, примитив, демак, тор ёндашувни келтириб чиқаради. Этноснинг шаклланишида тил, ёзув, мулоқот, урф-одат ва анъаналар, маданият, ҳудуд муҳим аҳамиятга эга экани барча илмий адабиётларда қайд этилади. Бироқ уларда этноснинг ижтимоий-тарихий бирлик сифатида шаклланишида муҳим рол ўйнаган "ҳалқ руҳи", "ҳалқ қалби" тилга олинмайди. Қалб, руҳ нафақат индивидуал, шунингдек, гуруҳларга ва этносларга ҳам хос ҳодисадир.

Руҳни, қалбни ўрганиш, Аристотель таъбирига кўра, "энг улуғвор ва мафтункор" машғулотдир. Файласуф, "руҳни билиш ҳар қандай ҳақиқатни билишга, айниқса,

табиатни билишга кўп ёрдам беради,"деб ёзади. Унинг фикрича, "руҳ, қалб кишининг, нарсанинг мавжудлик моҳиятидир"[17]. Ҳақиқатан ҳам "халқ, миллат ўзини нафақат ижтимоий-тарихий бирлик, ўз маданий-маънавий анъаналарига, тажрибасига, худди шунингдек, ўзига хос руҳига эга этнос сифатида ҳам идрок этади.

XIX асрда яшаган француз олими Густав Лебон "халқ руҳи" назариясини кўтариб чиқади ва бу тушунча ҳақида қуйидагича фикр билдиради: "Ҳар бир халқ аввалдан инстинктив равишда берилган ўз "руҳига" эга бўлиб, бу унинг бутун тақдирини, ҳатто келажагини белгилаб туради. Ҳар бир ирқ маълум бир анатомик тузилишга эга бўлгани каби, ўзгармас руҳга ҳам эга бўлади, бу руҳ халқнинг сиёсий тизимини, эътиқод ва ишончини, диний қарашларини бошқариб туради"[18]. Бу фикри билан Густав Лебон маълум бир маънода ҳолисона фикрни билдиради, чунки ҳар бир халқ ўз жойлашган ўрни, муҳити ва аждодларидан мерос тарзида қолувчи руҳиятига эга бўлади. Бу эса шу халқнинг ҳаётда ўз ўрнига эга бўлишида ва фаолият кўрсатишида муҳим аҳамият касб этади ва бевосита халқнинг руҳиятида ҳам ўзини намоён этади.

Халқ руҳи муайян этнога хос ижтимоий онг, гоё, субъектив тасаввурлар, конструктив изланишлар, ўзлигини англаш тажрибаларининг йиғиндиси, квинтэссенцияси (моҳияти, асосий мағзи) сифатида келади. Халқ руҳи халқ маънавий руҳий бирлиги ва уйғунликка таянади."[19] Маънавий-руҳий бирликсиз, миллий ўзликни англашга таъсир этувчи руҳий яқинликсиз бирорта этнос, халқ уюшганижтимоий борлигини ташкил қилган эмас.

Халқ руҳи, қалби субъектив воқелик ҳисобланса-да, у этноснинг уюшган ҳаракатларида, маданияти, тили, турмуш тарзи ва ижтимоий институтларида объективлашиш хусусиятига эга. Баъзан кузатиладики, ташқаридан, халқ руҳига, қалбига мос келмайдиган ижтимоий институтлар, айниқса, қабул қилинган қонунлар кутилган натижа бермайди, кишилар уларни кўллаб-қувватламайди, ўзининг бефарқлиги билан уларга салбий баҳо беради. Тўғри, баъзи ахлоқий нормаларни куч билан, зўрлаб сингдириш, шакллантириш мумкин, лекин улар ҳам халқнинг ижтимоий-маданий парадигмасига, ахлоқий тасаввурларига мос келиши даркор. Ўз пайтида Шарқ мутафаккири Конфуций, қабул қилинадиган қонунлар халқ қалбига, анъаналарига ва ахлоқий қарашларига мувофиқ келиши лозим, акс ҳолда, кишилар уларга амал қилишдан қочадилар[20], деган эди.

Бизга маълумки, этнос, миллат ўзининг хусусиятларини, ўзининг ичидан етишиб чиққан ва бошқалар тан оладиган буюк вакиллари орқали намоён қилади. Масалан, ўзбек халқи, миллати бошқа халқлар назарида Имом ал-Бухорий, Амир Темур, Улуғбек, Бобур, Навоий каби буюк инсонлар авлодлари сифатида гавдаланади. Бундан ташқари, халқ, миллат ҳақида гап кетганда, уларни бирлаштириб турадиган менталитет, яшайдиган ҳудуд, улардаги ўзига хос хусусиятлар, инсоният ижтимоий тараққиётида тутган ўрни, тарихий мероси, ахлоқий қадриятлари ва ижтимоий-сиёсий тажрибаси ҳам назарда тутилади. Бизга маълумки, дунёда иккита бир хил одам бўлмаганидек, иккита бир хил миллат ҳам бўлмайди. Шунинг учун уларнинг

характерлари, манфаатлари, дунёқарашлари, ички-руҳий олами турлича, бу - аксиома. Бу эса миллатлар мавжуд экан миллатлараро муносабатлардаги муаммолар ҳам сақланиб қолинишидан дарак беради.

Миллатнинг ўзига хослиги унинг ички маънавий-руҳий оламини ташкил этувчи миллий эркинлик, ор-номус, қадр-қиммат, иззат-нафс, гурур каби туйғуларда намоён бўлади. Агар уларга ташқаридан ёки бошқа миллатлар томонидан салбий таъсирлар кўрсатилса, миллатлараро, ҳатто, давлатлараро муносабатларда зиддиятли ҳолатлар пайдо бўлади ва улар оғир мусибатларга олиб келиши мумкин.

Этнос, халқ ижтимоий борлиққа муносабатларини ҳуқуқлари орқали ифода этади. Демократик давлатларда айнан Конституция (Асосий Қонун) ва унга таяниб ишлаб чиқиладиган ва қабул қилинадиган қонунлар этноснинг ижтимоий борлиқдаги ўрнини, ҳуқуқ ва бурчларини белгилаб беради. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ "Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир" (7-модда); "Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади"; "Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида маъсулдилар" (2-модда). "Жамият ва давлат сиёсатининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади" (9-модда). "Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади" (12-модда)[21]. Мазкур моддаларда Ўзбекистон халқи ва фуқароларнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий ҳуқуқлари, ушбу муносабатларнинг асосий принциплари белгилаб берилган. Мазкур ҳуқуқлар этноснинг, миллатнинг узоқ ижтимоий-маданий ривожланиш жараёнида эришган ютуқлари квинтэссенциясидир.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Широкогоров С. М. *Этнос. Исследование основных принципов изменения этнических и этнографических явлений // Избранные работы и материалы. Владивосток: Изд-во Дальневост. гос. ун-та, 2001. -С.203.*

2. Бромлей Ю.В. *Этносоциальные процессы: теория, история, современность. Москва: Наука, 1987. -С. 333; Винер Б.Е. Этничность: в поисках парадигмы изучения // Этнографическое обозрение. 1998. -№.4. -С. 28-32; Shaw M. *Graup Dinamics. - New York, 1995. -P. 13-15.**

3. Арутюнов С.А. *Культуры, традиции, их развитие и взаимодействие. Москва: Эдвин Меллен Пресс, 2002. -С. 386.*

4. Барт Р. *Избранные работы: Семиотика. Поэтика. -Москва: Мысль, 1989. -С. 28-42; Jackson R. *Ethicity. In Social science concepts: A systematic analysis, Ed.byg.Sartory. Beverly Hills.-London, 1984. -P. 24-26.**

5. Тишков В.А. *Этнология и политика: статьи 1989-2004 гг.; 2-е. изд. -Москва: Наука, 2005. -С. 235-236.*

6. Рыбаков С.Е. *Судьбы теории этноса. Памяти Ю.В. Бромлея //- Москва: ЭО. 2001. № 1. -С. 3-15.*

7. Маманазаров Н. Мустақиллик ва миллий-этник жараёнлар. -Тошкент: ТМИ, 2004. -7 б.
8. Бромлей Ю.В. Очерки теории этноса. -Москва: Наука, 1983. -С. 57-58; Жаббаров И. Ўзбек халқи этнографияси. -Тошкент: Ўқитувчи, 1994. -17-18 б.; Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. -Тошкент: Шарқ, 2001. -101-103 б.
9. Абдулатипов Р. Этнополитология. -СПб.: Питер, 2004. -С. 63-64.
10. Ўша асар. -С. 64
11. Асқаров А. А., Буряков Ю. В., Ходжайлов Т. К. Новые археологические и антропологические материалы к этнической истории народов Средней Азии // Проблемы этногенеза и этнической истории народов Средней Азии и Казахстана, Вып. I. -Москва: Гл.ред.Вост. лит-ры. 1970. -С. 54-55.
12. Турсунов С.Н. Ўзбек элтининг илк аждодлари ва шаклланиши // Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар: тарих ва ҳозирги замон (илмий-амалий анжуман). -Тошкент: Университет, 2003. -59 б.
13. Хўжамуродов И. Маънавий қадриятлар ва миллий ўзлигини англаш. -Тошкент: Маънавият, 1991. -41 б.
14. Қўчқоров В. Миллий ўзликни англаш ва ижтимоий-сиёсий жараёнлар. -Тошкент: Академия, 2007. -6 б.
15. Ўша жойда.
16. Ўша асар. -19 б
17. Аристотель. О душе // Соч. В 4-хт. Т 1. -Москва: Мысль, 1976. -С. 395.
18. Гюстав Лебон. Психология народов и масс. -Москва: Академический проект, 2011. -С. 238.
19. Қўчқоров В. Миллий ўзликни англаш ва ижтимоий-сиёсий жараёнлар. -Тошкент: Академия, 2007. -32-33 б.
20. История Китайской философии. -Москва: Прогресс, 1989. -С.63-68.
21. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Тошкент: Ўзбекистон, 2014. -4-5 б.